ССР Давлат китоб палатаси
Инв. №
17 АПР 1985

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 87 (19. 163). ● 1985 йил 13 апрель, шанба ● Баҳоси 3 тийин.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида мамлакатда кўкламги экишга тайёргарлик ва унинг бориши тўғрисида министрлардан В. К. Месяц, Н. Ф. Васильев ва Госкомсельхозтехника раиси Л. И. Хитруннинг ахборотларини тинглади.

Мажлисда қайд этиб ўтилганидек, бу йил вужудга келган об-ҳаво шароитлари кўкламги дала ишларини зўр уюшқоқлик билан энг кўп куч-ғайрат сарфлаб қисқа муддатларда ўтказишни талаб этади. Шундай шароитда кўкламги экиш ишларини моддий-техника билан таъминлашга оид барча масалаларни аниқ-пухта ҳал этиш, агросаноат бирлашмаларининг, колхозлар, совхозлар ва илмий муассасалар ходимларининг уюштирувчилик ролини ошириш, илғор тажрибадан актив фойдаланиш зарур.

Сиёсий бюро министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, маҳаллий партия, совет ва хўжалик органларининг зиммасига мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш, кўкламги экиш ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш масалаларини оператив равишда ҳал этиш, ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий иш савиясини ошириш, интенсив деҳқончилик системалари, бригада пудрати ва хўжалик ҳисоби изчиллик билан жорий этилишига қатъият билан эриша бориш, деҳқонларнинг социалистик мусобақасини яна ҳам кенгроқ авж олдириш мажбуриятини юклади.

(Давоми учинчи бетда).

# КПСС Марказий Комитети 1985 йил 1 Май ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин 1 Май — Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Яшасин пролетар, социалистик интернационализми!

3. Яшасин мангу барҳаёт революцион таълимот — марксизм-ленинизм!

4. Коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

Бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслиги мустаҳкамланаверсин!

5. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги, ҳамкорлиги ва жипслиги, уларнинг социализм ғалабаларини, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш йўлидаги қатъий азму қарори!

6. Мустамлакачилик зулмидан озод бўлган ва социалистик ривожланиш йўлини танлаб олган халқларга қардошлик саломи!

7. Мустақиллик ва социал янгиланиш йўлидан бораётган ривожланаётган мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

8. Капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфига қардошлик саломи!

9. Жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракати иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

10. Озодлик, демократия ва социализм учун курашиб, фашист зиндонларида азоб чекаётган кишиларга қардошлик саломи!

Империализм ва реакция тутқинларига озодлик!

11. Жаҳон халқлари! Империалистик агрессия ва зўравонлик сиёсатига қарши, Осиё, Африка ва Лотин Америкасида кескинлик ҳамда танг вазиятлар манбаларини тугатиш учун қатъият билан курашингиз!

12. Империализмга, мустамлакачилик ва иркчиликка қарши, сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш учун курашаётган Африка халқларига қардошлик саломи!

Намибия халқига озодлик! Жанубий Африкада шармандали апартеид системаси тугатилсин!

13. Империализм ва реакцияга қарши, тинчлик ва ўз мамлакатларининг демократик ривожланиши учун курашаётган Лотин Америкаси халқларига қизғин салом!

Жаҳон халқлари! АҚШнинг Никарагуага қарши агрессив ҳаракатлари тўхтатилишини талаб қилингиз!

14. Араб мамлакатларининг халқлари! Исроил агрессияси ва империализм ҳукмронлигига қарши курашда ўз сафларингизни жипслаштирингиз!

Яқин Шарқда мустаҳкам ва адолатли тинчлик бўлсин!

15. Жаҳон халқлари! Исроил қўшинлари босиб олинган барча араб ерларидан олиб чиқиб кетилишига, араб мамлакатларининг ишига империалистларнинг аралашуви тўхтатилишига эришингиз!

Фаластинлик араб халқининг адолатли кураши билан бирдамликни мустаҳкамлангиз!

16. Европа мамлакатларининг халқлари! Ғарбий Европанинг Америка империализми ракета-ядро плацдармига айлантирилишига қарши курашни кучайтирингиз!

Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик қарор топсин!

17. Осиё мамлакатларининг халқлари! Империализмга, янги мустамлакачилик ва гегемонизмга қарши, тинчлик ва хавфсизлик учун курашингиз!

Осиё тинчлик, ишонч ва ҳамкорлик қитъаси бўлиб қолсин!

18. Жаҳон халқлари! Жаҳон ядро уруши хавфини йўқотиш учун, космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш ва ер юзида бу пойгани тўхтатиш учун курашни кучайтирингиз!

Ядро қуролларининг тамомила тугатилишига эришингиз!

19. Жаҳон халқлари! Империализм, милитаризм ва реваншизмнинг агрессив кирдикорларига қарши қатъий кураш олиб борингиз! Урушга қарши ҳаракатни кенгайтирингиз ва жипслаштирингиз!

20. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати—халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, кенг халқаро ҳамкорлик сиёсати!

21. Коммунизм бунёдкори, тинчлик учун матонатли ва изчил курашчи— улуғ совет халқига шон-шарафлар!

22. Коммунистлар! Мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини тезлатиш учун, жамият ҳаётининг ҳамма жиҳатларини такомиллаштириш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!

23. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирингиз!

Жонажон ленинчи партия съездини меҳнатда янгидан янги муваффақиятлар билан нишонлайлик!

24. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Фидокорона меҳнат қилиб, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлангиз! Ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан ўстиришга эришингиз, маҳсулот сифатини яхшилангиз!

1985 йил планини муваффақиятли бажарайлик, беш йилликни муносиб равишда туғаллайлик!

25. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун зўр ғайрат билан курашингиз!

Халқ хўжалигини интенсив ривожлантирайлик!

26. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Машина ва ускуналардан яхшироқ фойдаланингиз!

Ишлаб турган ва янгидан ишга тушириладиган қувватларни тўла ўзлаштирингиз!

27. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Омилкор хўжайинлар бўлингиз, моддий ресурсларни тежаш учун курашингиз!

1985 йилда тежалган материал, хом ашё ва ёқилғи билан камида икки кун ишлаб берайлик!

28. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Иқтисодий, социал ва тарбиявий вазифаларни ҳал этиш учун меҳнат коллективларининг ҳуқуқларидан тўлароқ фойдаланингиз! Уюшқоқлик ва интизомни бутун чоралар билан оширингиз!

29. Халқ контролерлари! Хўжасизлик, исрофгарчиликка қарши, совет жамияти ҳаётининг ҳамма соҳаларида тартибни мустаҳкамлаш учун зўр матонат билан курашингиз!

30. Ёқилғи-энергетика комплексининг ходимлари! Нефть, газ, кўмир қазиб чиқаришни, электр ва иссиқлик энергияси ҳосил қилишни кўпайтирингиз!

Энергетика программасини бажариш учун зўр ғайрат билан курашингиз!

31. Металлурглар! Мамлакатнинг металлга бўлган эҳтиёжларини пухта таъминлангиз!

Тежамли, ғоят сифатли металл маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз!

32. Машинасозлар! Янги машина ва ускуналар ишлаб чиқаришни жадаллаштирингиз, техниканинг пухталигини оширингиз!

Халқ хўжалигининг барча тармоқларини техника билан қайта қуроллантиришни таъминлангиз!

33. Химия саноати ходимлари! Халқ хўжалиги ва аҳолининг химия маҳсулотлари ҳамда материалларига эҳтиёжини тўла таъминлаб турингиз!

34. Саноат ходимлари! Аҳоли учун юқори сифатли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз! Совет кишиларининг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ ҳисобга олингиз, молларнинг хилини янгилашни жадаллаштирингиз!

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш—халқ хўжалиги барча тармоқларининг ишидир!

35. Транспорт ва алоқа ходимлари! Юкларни узлуксиз ташишга, аҳолига хизмат кўрсатишнинг юксак маданиятига эришингиз!

36. Қурувчилар ва монтажчилар! Капитал қурилиш самарадорлигини оширингиз!

Тежамли ва сифатли, замонавий техника асосида қурингиз! Ишга тушириладиган объектларни юксак сифатли қилиб ва ўз вақтида топширингиз!

37. Агросаноат комплекси ходимлари! Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашни жадаллаштирингиз! Мамлакатнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта таъминланишига эришингиз!

Озиқ-овқат программасини бажариш учун зўр ғайрат билан курашингиз!

38. Колхозчилар, совхозларнинг ходимлари! Деҳқончиликнинг илмий асосланган системасини актив жорий этингиз! Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши барқарорлигини ошириш учун мелиорация имкониятларидан тўлароқ фойдаланингиз!

Дон, техника экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили етиштиришни кўпайтирингиз!

Кўкламги дала ишлари аниқ ташкил этилсин ва юксак сифатли бўлсин!

39. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари! Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлангиз, унинг маҳсулдорлигини оширингиз!

Гўшт, сут, тухум, жун етиштиришни кўпайтирингиз!

40. Савдо, умумий овқатланиш, маиший ва коммунал хизмат ходимлари! Меҳнат сифати ва маданиятини оширингиз, аҳолининг ҳар хил хизмат турларига ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондирингиз!

41. Совет олимлари! Илмий тадқиқотларни бутун чоралар билан ривожлантирингиз, уларнинг самарадорлигини оширингиз! Фан ютуқларини практикага жорий этишга қўшадиган ҳиссангизни кўпайтирингиз!

42. Идеология фронти ходимлари! Омма ўртасида партия ғояларини зўр эътиқод билан пропаганда қилингиз, ривожланган социализм жамияти ютуқларини чуқурроқ ва ёрқинроқ кўрсатиб берингиз! Империалистларнинг қўпорувчилик пропагандасини актив фош қилингиз!

Идеология иши — бутун партиянинг, ҳар бир коммунистнинг ишидир!

43. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Коммунистик ғоявийлик, партиявийлик ва халқчиллик байроғини баланд кўтариб борингиз!

Турмуш ҳақиқатини, юксак коммунистик идеалларни қарор топтирадиган асарлар яратингиз!

44. Халқ маорифи ходимлари! Ёш авлодни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялашни такомиллаштирингиз! Мактаб ўқувчиларига ижтимоий фойдали меҳнатга муҳаббатни сингдирингиз!

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишда актив қатнашингиз!

45. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Аҳолига медицина хизмати кўрсатишни такомиллаштирингиз! Даволаш ва санитария муассасаларининг иш маданиятини оширингиз!

46. Физкультурачилар ва спортчилар! Совет спортининг муваффақиятларини кўпайтирингиз! Физкультура ҳаракатининг оммавийлигини юксак даражага кўтарингиз!

Физкультура халқ сиҳат-саломатлигига хизмат қилсин!

47. Яшасин ҳокимиятнинг чинакам демократик органлари — халқ депутатлари Советлари!

Советлар мамлакатининг гражданлари! Давлат ва жамоат ишларини бошқаришда, социалистик демократияни янада ривожлантиришда актив қатнашингиз!

48. Совет касаба союзлари! Меҳнаткашларнинг меҳнат ғайрати ва ижодий ташаббускорлигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз, уларнинг меҳнат қилиш, турмуш ва дам олиш шароитларини муттасил яхшилашга эришингиз!

Яшасин бошқариш мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби бўлган совет касаба союзлари!

49. Яшасин Коммунистик партиянинг жанговар ёрдамчиси ва ишончли резерви, совет ёшларининг илғор отряди — Ленин комсомоли!

50. Йигит ва қизлар! Билимларни, маданиятни, касб маҳоратини сабот билан эгаллангиз! Коммунистик партия ва совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини кўпайтирингиз!

Ленинча яшаш, ишлаш, курашишни ўрганингиз!

51. Йигит ва қизлар! Халқлар ўртасида империализмга қарши бирдамлик, тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлангиз! Ёшлар ва студентларнинг Москвада ўтказиладиган XII Жаҳон фестивалига тайёргарликда актив қатнашингиз!

52. Шонли ветеранлар, ёшларнинг мураббийлари! Ўз билимингиз, бой ҳаётий тажрибангиздан ёш авлодни баҳраманд этинг!

Йигит ва қизларни юртимизнинг оташин ватанпарварлари, Ленин иши учун, коммунизм учун фидокорона курашчилар қилиб тарбиялангиз!

53. Советлар мамлакатининг хотин-қизлари! Ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётда актив қатнашингиз!

Оналарга шон-шарафлар!

Бутун Ер юзининг болалари тинч ва бахтиёр бўлсин!

54. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликни такомиллаштирингиз!

Совет халқининг тинч меҳнатини, социализмнинг тарихий ғалабаларини сергак туриб, пухта қўриқлангиз!

Яшасин СССРнинг шавкатли Қуролли Кучлари!

55. Яшасин совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги!

Улуғ Ватан урушида жаҳоншумул-тарихий ғалабага эришган совет жангчилари, партизанлар ва подпольечилар, мамлакат ичкариси меҳнаткашларининг сўнмас жасорати халқ хотирасида абадий сақлансин!

Социалистик Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлган кишиларга абадий шон-шарафлар!

56. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг мустаҳкам иттифоқи!

57. Яшасин жамиятимиз кучларининг ҳаётбахш манбаи — Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас интернационал бирлиги ва қардошларча дўстлиги!

58. Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси! Партия халқ билан бирлиги туфайли кучлидир! Халқ партия билан бирлиги, партиянинг раҳбарлиги туфайли кучлидир!

59. Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

60. Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунистик бунёдкорликда янги ғалабалар сари, олға!

*Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети*

# ТАШАББУСКОРЛИК, УЮШҚОҚЛИК, САМАРАДОРЛИК

КПСС Марказий Комитетида М. С. Горбачев, Г. В. Романов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков ўртоқлар саноат бирлашмалари ва корхоналарининг, колхоз ва совхозларнинг, ишлаб чиқариш бригадаларининг раҳбарлари билан, мутахассислар ва олимлар билан учрашганликлари илгари хабар қилинган эди.

Қуйида ўртоқ М. С. Горбачев нутқининг баёни ва учрашув тўғрисидаги ҳисобот эълон қилинади.

## М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар! Сизларни КПСС Марказий Комитетида самимий табриклашга ижозат бергайсизлар. Биз ўз олдимизда турган ишлаб чиқариш-иқтисодий ва социал вазифаларни — кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳам, шунингдек истиқболдаги вазифаларни ҳам қандай қилиб яхшироқ ҳал этиш хусусида сизлар билан маслаҳатлашиб олиш; ҳеч кечиктирмасдан ҳал этиш лозим бўлган масалаларни ҳамда идрок этиш ва пухта ишлаб чиқишни талаб этаётган масалаларни кўриб чиқиш учун шу учрашувни ўтказишга қарор бердик.

Мамлакатимиз масъулиятли даврда яшаб турибди, ҳамма жойда КПССнинг навбатдаги XXVII съездига тайёргарлик авж олиб бормоқда. Бу катта ишлар қилинадиган ва муҳим қарорлар қабул этиладиган, эришилган натижалар атрофлича таҳлил этилиб, реалистик баҳоланадиган, олға томон қилаётган ҳаракатимизга ҳалақит берувчи тўсиқларни аниқлайдиган ва бартараф этадиган даврдир. Бу давр қизғин меҳнат ва дадил фикр билан тўлиқ бўлиши, одамларнинг ташаббуси ва ижодига кенг имконият очиб бериши керак. Ҳозир ишдаги уюшқоқликни ошириш, дадил ва узлуксиз социал-иқтисодий ривожланишни таъминлаш, олға ҳаракатимиз суръатларини жадаллаштириш учун жамики куч ва резервларни сафарбар қилиш лозим.

Сизлар ишлаб чиқаришга бевосита раҳбарлик қилаяпсизлар, меҳнаткашлар орасида ишлаяпсизлар, партия билан ҳукуматнинг кўрсатмалари ва қарорларини амалий равишда турмушга татбиқ этаяпсизлар. Сизлар орттирган тажриба ва билимлар хўжалик юритишнинг кучли ва заиф жиҳатлари ҳақида, ишда халақит бераётган, самарадорликни оширишга тўсқинлик қилаётган тўғаноқлар ҳақида чуқур ва аниқ-равшан фикр юритиш имконини беради. Ҳар бир корхонадаги, ҳар бир меҳнат коллективидаги, қолаверса умуман социалистик хўжалигимиздаги резервларни тўла-тўкис сафарбар қилиш учун нималарни ва қандай қилиб тўғрилаш ёки ўзгартириш кераклигини эшитмоқчимиз.

Ҳозирги босқичда кўпгина мураккаб вазифаларни айни бир вақтда ҳал этишга тўғри келмоқда. Яқин вақт ичида ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида гапирадиган бўлсак, бунда гап 1985 йилги планни ва умуман беш йиллик планни муваффақиятли бажариш ҳақида бормоқда. Бу йил мураккаб бошланди: турли сабаблар— ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблар таъсир қилди. Қиш жуда қаттиқ келганини ҳам эътиборга олмасдан бўлмайди, албатта. Бироқ очиғини айтганда, биринчи кварталнинг якунлари бизни қаноатлантира олмайди, бу якунларга уюшқоқсизлик, баъзан беғамлик, айрим жойларда эса масъулиятсизлик ҳам кўп жиҳатдан таъсир қилди. Ҳозирги бош вазифа қолоқликни тугатишдан, бой берилган имкониятларнинг ўрнини тўлдиришдан, планда белгиланган ҳамма режаларни бажаришдан иборат.

Шу беш йилликда биз қилаётган ҳаракат суръатлари етарли эмаслигини анализ кўрсатиб турибди. Биз суръатларни оширишимиз ва анчагина кўтаришимиз лозим. Бу вазифани эса ҳеч кечиктирмай ҳал қилиш керак. Вақтни беҳуда ўтказиб бўлмайди. Мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиёти, унинг мудофаа қобилияти мустаҳкамланиши, совет кишиларининг турмуши яхшиланиши бу вазифаларни нақадар муваффақиятли ҳал этишимизга боғлиқ бўлади.

Истиқбол вазифаларига келганда шуни айтиш керакки, бунда ишлаб чиқаришни интенсивлаш изларига қатъият билан ўтказиш, унинг структурасини яхшилаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, маҳсулот сифатини анча ошириш, хўжалик механизмини ва умуман бошқарувни янада такомиллаштириш масалалари биринчи ўринга чиқиб бормоқда.

Биз шундай қилишимиз керак, бундан бошқа йўл йўқ. Биз ғойибдан мўъжиза бўлишига умид қила олмаймиз. Ишчидан тортиб министргача, инженердан тортиб академиккача ҳар бир киши зўр ғайрат ва ташаббускорлик билан, виждонан ва ҳалол ишлаши керак. Кадрларнинг масъулиятини, уюшқоқликни, интизомни қатъият билан кўтариш лозим. Бу ишлар оғизда эмас, балки амалда қилинадиган бўлсин. Мустаҳкам интизомни кенг маънода тушуниш керак. Бу интизом юксак ишлаб чиқариш маданиятини ҳам, маҳсулот сифатининг даражасини бевосита белгилаб берадиган қаттиқ технология интизомини ҳам, корхоналар маҳсулот етказиб бериш планларини аниқ бажаришини ҳам, ва албатта, меҳнат интизомини ҳам ўз ичига олади. Оқибат натижада ҳамма нарса одамларга, раҳбар кадрларга, ҳаммамизга нисбатан юксак талабчанликдан бошланади, ўртоқлар.

Ишни пухта, уюшқоқлик билан ташкил этиш, резервлардан фойдаланиш масалалари кундалик фаолиятимизда ҳам, истиқбол вазифаларини ҳал этиш чоғида ҳам диққат марказида туриши керак. Ҳозирги вақтда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари лойиҳасини тайёрлаш иши ниҳоясига етказилмоқда. Гарчи бу лойиҳа узоқ даврни ўз ичига олса ҳам, янги беш йиллик ҳар жиҳатдан бурилиш нуқтаси бўлиб қолиши лозим.

Бу беш йиллик эса яқинлашиб қолди. Шаҳар ва қишлоқдаги ҳар бир коллектив ҳозирдаёқ ўзининг беш йиллик планларини ишлаб чиқар экан, мавжуд резерв ва имкониятларни бу планларга асос қилиб олиши, белгиланган режаларни амалга ошириш учун зарур тадбирларнинг ҳаммасини кўзда тутиши муҳимдир.

Биринчи галда ўз ихтиёримиздаги ҳамма нарсалардан имкони борича унумли фойдаланиш муҳимдир. Мамлакатимиз социал-иқтисодий тараққиётнинг юксак чўққиларига чиқди, олға томон муваффақиятли ҳаракат қилишни таъминлайдиган салмоқли иқтисодий потенциал вужудга келтирилди. Фақат бир иш: ҳозирнинг ўзида мавжуд бўлган нарсалардан чинакамига фойдаланишнинг ўзи билангина халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини анча яхшилашга эришиш мумкинлигини турмуш кўрсатиб турибди. Корхоналарда тартибни мустаҳкамлаш ва бўшангликка қарши кураш, яхши меҳнат маромини таъминлаш ҳисобига меҳнат унумдорлиги анча тезроқ ошаётганлигини ва маҳсулот сифати кўтарилаётганини, фаолиятнинг бошқа ҳамма натижалари яхшиланаётганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп.

Маҳсулотнинг сифати, унинг техника даражаси тўғрисидаги, уни қандай қилиб қатъиян ошириш ҳақидаги масалани алоҳида ажратиб кўрсатмоқчиман. Нега шундай бўляпти: корхона эскирган, техника даражаси паст, маҳсулотни, аҳолига манзур бўлмайдиган халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарса-ю, нечун нормал яшайди ва ҳатто равнақ топаверади? Хўжалик механизмимиз бундай ҳодисаларга йўл қўймоқда. Бу аҳволни қандай қилиб ва имкони борича тезроқ яхшилаб олиш мумкин?

Қатъий чоралар кўриш керакка ўхшайди: кимки замонавий талаблар даражасида маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлса, у маънавий ва моддий афзалликка эга бўлиши керак. Башарти корхона узоқ вақтгача ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юксак истеъмол сифатларига эришмаса, уни янгиламаса, бу нарса ходимларнинг, айниқса, меҳнат коллективлари раҳбарларининг моддий

(Давоми иккинчи бетда).

# ТАШАББУСКОРЛИК, УЮШҚОҚЛИК, САМАРАДОРЛИК

(Боши биринчи бетда).

аҳволига муқаррар равишда таъсир қилиши лозим. Ишга бундай ёндашишнинг мақбуллигига ҳеч қандай эътироз бўлмаса керак. Демак, сўздан амалий ишга ўтиш зарур.

Яна бир муҳим проблема — иқтисодий тежашни кучайтиришдан, исрофгарчиликка қарши курашишдан, меҳнат коллективи ихтиёридаги ҳамма нарсалар — станоклар, асбоб-ускуналар, ерлар, бошқа моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишдан иборат. Биз ҳозир ҳам, келгусида ҳам бу ресурсларнинг анчагина кўпайишига умид боғлашимиз мумкин ҳам, лозим ҳам эмас. Гарчи айрим кишилар ривожланишнинг бундай самарасиз йўлига одатланиб қолган бўлса ҳам, аммо шундай умидлардан қатъиян воз кечиш керак.

Ишни қайта қуриш, хом ашё ва қувватларнинг муайян бирлигидан кўпроқ пировард маҳсулот олишга интилиш, меҳнат сарфини қатъият билан қисқартириш зарур. Мана шу амалда ишлаб чиқаришни интенсивлаш бўлади. Ҳозир ҳар бир раҳбар, ҳар бир хўжалик ходими, ҳар бир меҳнат коллективи шундай фикр юритиши ва ҳаракат қилиши лозим.

Айтилган гапларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигига ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир, биз бу соҳага жуда катта эътибор бериб келдик ва бераверамиз. Қишлоққа катта капитал маблағ ажратилмоқда, колхоз ва совхозларнинг техника билан таъминланиши кўпаймоқда. Харид нархлари оширилганлиги уларнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мустаҳкамланишига кўмаклашди. Мана шуларнинг ҳаммаси муайян натижалар бермоқда, бироқ кўпгина хўжаликларда ердан, меҳнат ресурслари ва моддий ресурслардан ҳамон оқилона фойдаланилмаяпти. Шу муносабат билан колхоз ва совхозларнинг ишидаги самарадорликни, агросаноат комплекси барча бўғинларининг ўзаро масъулиятини ошириш, планлаштириш ва бошқарувни такомиллаштириш, иш вақтидан, бутун ёруғ кундан яна ҳам тўлиқроқ фойдаланиш жиддий эътиборга сазовордир.

Хўжалик механизмини, бошқарувни такомиллаштириш тадбирларини меҳнат коллективларининг активлиги ва ташаббускорлигини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратиш муҳимдир. Биз энг асосий соҳалар бўйича марказлаштирилган планлаштиришни мустаҳкамлаш билан бирга корхоналарнинг ҳуқуқларини бундан буён ҳам кенгайтиришни, чинакам хўжалик ҳисобини жорий этишни ва шу асосда умуман коллективнинг ҳам, шунингдек ҳар бир ходимнинг ҳам пировард меҳнат натижалари учун масъулиятини ҳамда манфаатдорлигини оширишни назарда тутаяпмиз. Иқтисодий эксперимент ҳам ана шунга қаратилган.

Хўжалик юритиш системаси шундай йўлга қўйилиши кераки, ҳар бир коллектив, ҳар бир меҳнаткаш ижтимоий ишлаб чиқаришдаги, унинг самарадорлигини оширишдаги ўз қобилияти ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга интиладиган бўлсин. Ишлаб чиқариш масалалари билан социал масалалар, давлат, коллектив ва шахс манфаатлари ўзаро қанчалик чамбарчас боғланса, бу вазифалар шу қадар яхшироқ ҳал этиладиган бўлади.

Чамаси, бошқарувнинг ҳар бир даражасида ҳуқуқ ва вазифалар тўғри тақсимланган тақдирда корхоналар ва бирлашмаларнинг чинакам мустақиллиги ҳамда масъулиятига эришиш мумкин бўлади. Агар директор ҳар қандай нарсани ўнлаб муассаса билан келишиб оладиган, ҳамма нарса хусусида бошдан охиригача розиликка эришадиган бўлса, у ҳолда биз мустақиллик вазифасини ҳал эта олмаймиз. Ҳар қандай масаланинг ҳал этилишини марказга олиб келавериш ярамайди. Хўжалик кадрларимизнинг савияси кўпгина проблемаларни ўз жойида бемалол ҳал этиш имконини беради. Бунинг учун фақат уларни чакки ва ортиқча инструкциялар сиртмоғидан халос қилиш, ҳисоботни қатъиян камайтириш, беҳуда қоғозбозликдан қутилиш керак, холос. Бу эса айни вақтда бошқарув аппаратини қисқартиришга имкон беради. Бу гап министрликларга ҳам, Бутуниттифоқ саноат бирлашмаларига ҳам тааллуқлидир.

Кейинги йилларда меҳнат коллективларига кўпгина ҳуқуқлар берилди. Уларнинг ишлаб чиқариш ва социал масалаларни ҳал этишдаги ролини оширишни мустаҳкамлаб берган СССР Қонуни қабул қилинди. Аммо ҳозирча муносиб самара олинаётгани йўқ. Хўш, бериб қўйилган ҳуқуқлардан тўла-тўкис фойдаланишда коллективга нималар халал бераяпти? Қонуннинг имкониятлари меҳнат ғайратини ва социал активликни оширишга, жамият турмушининг демократик нормаларини ривожлантиришга тўла-тўкис хизмат қилиши учун яна нималар қилиш керак? деган савол туғилади.

Қонун меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги ролини, раҳбарларнинг коллектив олдидаги масъулиятини оширишга қаратилган-ку, ахир. Энг актуал ва зарур масалалар ишчиларнинг йиғилишларига қўйилиши, ҳамма поғонадаги раҳбарлар ана шу йиғилишларда ҳисоб бериб туришлари керак.

Чамаси, ҳали ҳамма раҳбар ҳам бундай бурилишга психологик жиҳатдан тайёр эмасга ўхшайди. Кўпларга ҳали агар камроқ маслаҳатлашилса-ю, фақат буйруқ берилса, бу белгиланган мақсадга олиб борадиган осонроқ ва қисқароқ йўлдек кўринади. Аслида эса, ўртоқлар оқил раҳбарлар иш тутаётгандек, коллективга таяниш, унда аҳил ижодий вазиятни вужудга келтириш — олға томон қиладиган ҳаракатимизни жадаллаштирувчи энг асосий омилдир.

Кенгашимизга бригадирлар келишган. Улар қуйи ишлаб чиқариш бўғини раҳбарларининг қарийб икки миллионли отряди вакилларидир. КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати уларнинг меҳнатини юксак баҳолайдилар. Бригада меҳнат коллективининг бошланғич ячейкасидир. Муваффақиятли ишлаб чиқариш ва жамоат фаолиятининг пойдевори айни шу ерда яратилади. Демократиямизга қудратли омил бериш калити ҳам мана шу ерда, чунки ишлаб чиқариш, рағбатлантириш, тарбиялашнинг энг катта масалаларини бу ерда коллективнинг ўзи ҳал қила олади. Меҳнаткашларнинг жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, ўз-ўзини бошқариш асосларини шакллантириш мана шундан бошланади.

Ҳозир кўпчилик бригадалар илғор иш усулига ўтганлар, улар ишлаб чиқариш ва меҳнатни, маънавий ва моддий рағбатлантиришни, меҳнаткашларни тарбиялашни ташкил қилишда ўзларига бериб қўйилган ваколатлардан кенг миқёсда фойдаланмоқдалар. Шу билан бирга меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси ҳамма жойда ҳам муваффақиятли ривожланмаётганлиги маълум. Бригадалар хўжалик ҳисобига секинлик билан ўтказилмоқда. Уларнинг кўпларида меҳнат унумдорлиги суст ошмоқда. Бунга нималар халақит бераётганлигини ва ишларнинг аҳволини яхшилаш учун нималар қилиш кераклигини эшитмоқчимиз.

Умуман, ўртоқлар, биз мана шу ва бошқа етилган муаммолар хусусида ошкора гаплашиб олиш ниятидамиз.

## КПСС Марказий Комитетидаги учрашув қатнашчиларининг айтганлари

Учрашув қатнашчилари бажарилган ишлар ва эришилган ютуқларни муносиб равишда қайд этиб ўтиб, шу йилги планни ҳамда бутун ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли адо этиш, бой берилган имкониятларни тўлдириш учун қандай восита ва резервларни ишга тушириш кераклигига асосий эътиборни қаратдилар. Кечиктириб бўлмайдиган ва истиқболдаги вазифаларни ҳал этиш чоғида барча меҳнаткашларнинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигига кенг имконият очиш тўғрисида гап борди. Сўзга чиққан кишилар, аввало, ҳар бир кишининг қизғин ва виждонан ишлаши кераклигини таъкидлаб ўтдилар.

Меҳнат ва технология интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш — ўсишимизни жадаллаштиришнинг салмоқли резервидир. Учрашувда шундай бир ибратли мисол келтирилди. Минск автомобиль заводида бир неча кун ишлаган комиссия корхона партия ташкилотининг фаолиятини текширди. Табиийки, бу ҳақда барча машинасозлар хабар топди. Шунда улар нимага қодир эканликларини кўрсатишга қарор бердилар: одамлар ана шу кунларнинг бирида уюшқоқлик билан, бир маромда интизомни бузмай меҳнат қилдилар ва меҳнат унумдорлигини 18 процент ошира олдилар. Башарти мана шундай иш режими кундалик қоида бўлиб қолса меҳнат коллективи меҳнат самарадорлигини ўстиришнинг ана шундай резервларига эгадир. Шу кунлар ичида цехлардаги станок ва машиналар сони кўпайгани йўқ-ку, ахир. Бунинг сири шундаки, кишилар меҳнат коллективи тўғрисидаги қонун талаб этганидек иш вақтини зое кетказмадилар, чинакамига меҳнат қилдилар. Қонунда кўзда тутилган мақсадлардан бири умумдавлат планларининг тақдири учун ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар ўзининг роли ва масъулиятини оширишдан иборат-ку, ахир.

Саратовдаги 3-давлат подшипник заводи созловчиларининг бригадири Н. А. Богатов қуйидагиларни қайд этди.

— Мен заводда пировард натижага қараб ҳақ тўланадиган узлуксиз бригадалар ташкил этиш сарчашмаларида туриш шарафига ҳам муяссар бўлганман. 1965 йилдан буён бригада коллективига раҳбарлик қилиб келяпман. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг жамики ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш натижаси билангина эришилмоқда.

Бригадирнинг нутқида бир қанча масалалар кўтарилди. Унинг фикрича, меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси тўғрисидаги мавжуд қоида ишни бирмунча қийинлаштирмоқда. Бу қоида ҳатто ишёқмас ходимга ҳам тарифдагидан кам бўлмаган иш ҳақини таъминлаб беришни тавсия этади. Бунинг оқибатида коллектив виждонан ишламаётган ходимларга таъсир ўтказиш асосий воситаларининг биридан маҳрум бўлмоқда.

— Биз, ишчилар, деди сўнгра у, — ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш ҳамда шу социал иллатни жамиятимиз турмушидан йўқ қилиш борасида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида кўриб чиқилган тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз ва маъқуллаймиз.

Мутлақо ишламаслик ёки қўл учида ишласа-ю, маошни илғорлар билан баб-баравар олиш имкониятини қидираётган кимсаларнинг ишга виждонан муносабатда бўлмаётганликлари бизни, айниқса, ташвишлантирмоқда. Бизнинг нормал яшаб, меҳнат қилишимизга ҳалақит бераётган текинхўрлар камаймаётганлиги ҳам бизни ташвишга солмоқда. Биз учарлар билан текинхўрларга нисбатан бирмунча қаттиқ чоралар кўриш зарур деб ҳисоблаймиз.

Учрашувнинг кўпгина қатнашчилари барча ходимларнинг ижодий активлигини янада ривожлантириш тўғрисида гапириб, инженерларнинг самара бериши ва обрў-эътиборини ошириш зарурлигини қайд этиб ўтдилар. Жумладан, «Ленинград металл заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси слесарларининг бригадири В. С. Чичеров шу ҳақда гапирди. Ҳозирги пайтда инженерларнинг меҳнатига кўпинча конкрет ижодий ҳисса қўшилганлигини ҳисобга олмай баҳо берилади, бунда ҳали тенглаштирувчилик билан ёндашишга барҳам берилмаган. Техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари шу қадар ўткир қилиб қўйилган ҳозирги пайтда мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни тартибга солиш кераклиги равшан.

Инженер-техник ходимларнинг энг оммавий категорияси — ишлаб чиқариш мастерини олиб кўрайлик. Учрашувда қайд этиб ўтилганидек, ишчиларнинг мураббийси, меҳнат жараёнларининг ташкилотчиси сифатида мастернинг обрў-эътибори ҳали, афсуски, тегишли даражага кўтарилмаган. Эҳтимол мастерлар сонини бир оз қисқартириш, ҳосил бўлган иш ҳақи фонди тежамини кўпроқ ҳажмдаги ишларни бажараётганларнинг маошини кўпайтиришга сарфлаш керакдир, дейишди сўзга чиққан кишилар.

Бир қанча нутқларда меҳнат ресурсларига эга бўлган иш жойлари миқдорини ҳар бир регионда тезроқ мутаносиб ҳолга келтириш лозимлиги тўғрисидаги масала ўртага қўйилди. Иш жойлари ортиқча кўпайиб кетган бир пайтда янги қурилиш билан аввалгидек интенсив шуғулланиб бўлмайди. Ишлаб турган заводлар ва фабрикаларни анча самарадорлик билан реконструкция қилиш, ишлаб чиқаришни янги техника асосида қайта қуроллантириш керак. Масалан, Иваново станоксозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида асосий фондларнинг ўсиши тармоқда энг кам бўлгани ҳолда асосий маҳсулотни ўстириш суръатлари умуман станоксозлик саноатидагига қараганда икки ярим баравар юқоридир. Ҳамма гап шундаки, бу ерда капитал маблағларнинг асосий қисми корпуслар қурилишига эмас, балки энг янги машина-ускуналарга сарфланмоқда, улардан тезда жуда яхши самара олинмоқда.

Биз хўжалик юритишнинг бирмунча мукаммал механизмини жорий этганимиз тақдирда ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари ортади. Кейинги йилларда бу соҳада қатъий чоралар кўрилмоқда. 26 саноат министрлиги катта миқёсдаги иқтисодий экспериментни ўтказмоқда. Бироқ учрашув қатнашчилари айтиб ўтишганидек, бу экспериментни чуқурлаштириш ва кенгайтириш керак.

«Уралмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи икки йилдан буён кенг миқёсли эксперимент шароитида ишлаб келмоқда. Ўтган йили бу бирлашма маҳсулот реализация қилиш планини бажарди, реализация ҳажми 7,8 процент ошди. Бошқа бир асосий кўрсаткич — шартномалар асосида маҳсулот етказиб бериш кўрсаткичини бирлашма тўлиқ уддалай олмади, аммо экспериментгача бўлганига қараганда яхшилади.

Хўжалик юритишнинг янги принциплари планларни синчиклаб пухтароқ ишлаб чиқишга мажбур этмоқда, бригадир, мастердан тортиб, бош директоргача мутахассисларнинг қабул қилинаётган қарорлар сифати учун масъулиятини кучайтирмоқда. Машинасозлар ҳам турдош касб ходимларига, жумладан СССР Госснаби системасининг ходимларига нисбатан талабчанликни кучайтирдилар. Шунга қарамай, бирлашма коллективи ишнинг сифат жиҳатдан янги даражасига чиқиб олди, деб ҳозирча айтиб бўлмайди.

— Планлаштиришда тартиб ўрнатилмас экан, ҳеч қандай моддий манфаатдорлик ишларни тубдан яхшилай олмайди, деб ўйлайман, — дейди «Уралмаш»нинг бош директори Е. А. Варначев. — Биз, машинасозлар, айниқса, Оғир машинасозлик саноати министрлигининг коллективлари истиқболни, маҳсулотимизга бўлган талаб-эҳтиёжни билишимиз керак, бизга ҳажм, номенклатура бўйича, истеъмолчилар учун, капитал маблағ, фонд ҳосил қилувчи нормативлар бўйича бутун беш йилликка мўлжалланган қатъий план зарур.

— Тикувчилар учун эса «қатъий» беш йилликни, узоқ муддатли тиғиз планларни, бунинг устига эришилган даражадан планларнинг ўстирилишини тўғаноқ дейиш мумкин, — деб ҳисоблайди Москва шаҳридаги «Космос» тикувчилик фабрикасининг директори М. П. Будаева. — Масалан, бугун трикотаж кўйлаклар харидоргир бўлса, эртага уларни сотиб олишмайди, чунки ип газлама кўйлаклар модада бўлади. Бу буюмларга бир хил меҳнат сарфланса-да уларнинг қиймати ўртасидаги тафовут тўрт баравардир. Тикувчилар планнинг қиймат кўрсаткичларини бажариш кетидан қувиб, (меҳнат коллективларининг моддий фаровонлиги ана шу кўрсаткичларга боғлиқ) модадан қолган, баъзида эса қиммат турадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришга ва шу тариқа касод бозор учун ишлашга мажбур бўлмоқдалар. Шунинг учун ҳам раҳбарларга ишлаб чиқариш тактикаси ва стратегиясини танлаб олишда кўпроқ ҳуқуқ бериш лозим. Харидорларнинг талаб-эҳтиёжлари эса улар учун бу ишда йўл кўрсаткич бўлиб хизмат қилиши лозим.

Бугунги кунда план ва молия органларининг ходимлари баъзида планларнинг сифати учун, айниқса уларнинг ижроси учун жавоб бермаётганликлари ҳам қайд этиб ўтилади. Аммо уларда ҳамма нарсани қонун-қоидага солишга, ҳаётнинг барча ҳодисалари учун мўлжалланган, баъзан жойларда ташаббускорликни бўғадиган йўл-йўриқларни тузишга бўлган мойиллик жуда кучли. Чунончи, эксперимент шартларига кўра, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишда корхоналарнинг ҳуқуқлари кенгайтирилган бўлишига қарамай, СССР Молия министрлиги, СССР Госстройи, СССР Давлат банкининг йўл-йўриқлари чиқарилгандан кейин кўп нарса эскичалигича қолиб кетди. Жумладан, ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш учун уни ривожлантириш фондидан фойдаланиш қийинлаштирилди.

Тажрибадан маълумки, ишлаб чиқаришни истеъмолчиларнинг манфаатларига бўйсундириш учун корхоналарни чинакам хўжалик ҳисобига ўтказиш, уларнинг министрликлар ҳамда план органлари билан ўзаро муносабатларини тубдан ўзгартириш лозим.

Норильск кон-металлургия комбинати директори Б. И. Колесниковнинг фикрича, ҳозир кўпгина корхоналар планлаштириш билан бошқарувни марказлаштириш даражаси энг мақбул чегарадан ўтиб кетганлигини ва ҳозирдаёқ халқ хўжалигини ривожлантиришга муайян даражада салбий таъсир этаётганлигини сезмоқдалар. Корхоналар ва бирлашмаларнинг иши кўпчилик — юз ва ундан ҳам кўпроқ кўрсаткичларга мувофиқ қатъий регламентга солиб қўйилган, лекин бу ҳамиша ҳам асосли эмас. Масалан, комбинат ишлаб чиқараётган 28 номдаги маҳсулотнинг атиги 13 хили четга кетмоқда. Аммо министрлик гарчи қолган 15 хил маҳсулот ички истеъмол учун кетаётган бўлса-да, уларни ҳам планлаштирмоқда. Капитал қурилишни бошқариш қанчалик мураккаблаштирилганлигини айтмайсизми. Қонун актларининг ўзигина ўн томга боради. Ҳозирги ҳолда юқоридан ҳомийлик қилиш комбинат коллективининг ташаббусини тўсмоқда, баъзан эса ишга халақит бермоқда.

«Светлана» (Ленинград шаҳри) бирлашмасининг бош директори О. В. Филатов, «Минудобрения» (Воскресенск шаҳри) бирлашмасининг бош директори Н. Ф. Хрипунов, «Полимир» (Новополоцк шаҳри) бирлашмасининг бош директори Л. В. Новожилов ва сўзга чиққан бошқа кишилар корхоналарни тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш билан бир қаторда халқ хўжалиги турдош тармоқларини мувофиқлаштиришни яхшилаш мақсадга мувофиқ эканлигини таклиф қиладилар. Масалан, дейишди улар, транспорт министрликларини бирлаштириш, сўнгра — электрон саноати билан приборсозлик саноатини бирлаштириш мақсадга мувофиқдир. Фан-техника тараққиётининг штаблари сифатида министрликларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги таклифлар ҳам айтилди.

Шу муносабат билан Бутуниттифоқ саноат бирлашмалари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш зарур. Эндиликда бундай бирлашмалар аслида қоғозбозликни кўпайтириб, министрлик билан корхоналар ўртасидаги оралиқ бўғин бўлиб қолмоқдалар. Корхоналарнинг ҳуқуқлари кенгайтирилиб, масъулияти оширилгач, улар хўжалик ҳисоби принципига ўтгандан кейин тармоқ ҳамда территориал планлаштириш ва бошқарувни яхшироқ қўшиб олиб бориш бошқарув аппаратини қисқартириш, уни қоғозбозлик ишларидан холи қилиш учун янги имкониятлар очилмоқда.

Кенгаш қатнашчиларининг нутқларида корхоналар раҳбарларининг масъулиятини кучайтириш ва ҳуқуқларини кенгайтириш, социалистик омилкорлик учун ҳамда меҳнат коллективларидаги ташаббускорликни ривожлантириш учун уларнинг қўлини бўшатиш муҳимдир, деган асосий фикр айтилди. Ҳозир ана шу раҳбарлар миллионлаб сўмлик моддий бойликлар учун жавоб бериб, баъзан ишлаб чиқариш эҳтиёжларига бир неча юз сўмни мустақил равишда сарфлаш ҳуқуқига эга эмаслар.

Ҳозирги пайтда завод директори ҳар хил кўрсатмалар, йўл-йўриқлар, буйруқлар билан боғлаб қўйилган. Айни вақтда раҳбарнинг масъулиятини кескин ошириш пайти келди, деб таъкидлашди нотиқлар.

Кенгашда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш учун, ишчиларда ўз корхонасининг хўжайини туйғусини тарбиялаш учун меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формаларини чуқур ривожлантириш, ишчиларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, рағбатлантиришни такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида бригадирлар айтган фикр-мулоҳазалар зўр қизиқиш билан кутиб олинди. Бошқарув ходимларининг моддий мавқеини пировард натижага, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳажми ва сифатига ҳамда унга сарфланадиган харажатларга боғлиқ қилиб қўйиш керак.

Шу тариқа хўжалик механизмининг майда-чуйда томонларини қисман такомиллаштириш эмас, балки уни комплекс равишда ҳар томонлама қайта қуриш зарур.

Агросаноат комплексида ишлаб чиқаришни янада интенсивлаш учун анчагина ишлар қилиш лозим. Агросаноат комплекси тармоқларининг техник жиҳатдан таъминланиши ўсмоқда, қишлоқ экономикасини мустаҳкамлаш учун катта-катта тадбирлар қабул қилинди. Кўпгина хўжаликлар ошган имкониятлардан самарали, пухта ўйлаб фойдаланмоқдалар. Улар орасида Ставрополь ўлкасидаги «Казьминский» колхози бор. Хўжаликда экинзорлар маҳсулдорлиги йил сайин ошиб, даромадлар кўпаймоқда. Колхоз раиси А. А. Шумский самарали хўжалик юритиш тажрибаси тўғрисида гапириб, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йилги май Пленуми қарорлари ходимларнинг ижодий ташаббус кўрсатишлари учун қулай шарт-шароит вужудга келтирганлигини айтди.

Хўжаликнинг дадил олға томон боришига нималар имкон бермоқда? Доимий изланиш имкон бермоқда. Бу ерда катта майдонларда алмашлаб экиш, бошқаришнинг тармоқ структураси жорий этилди. Барча деҳқонлар ва чорвадорлар бригадаларга кенг кўламда мустақиллик имконини берган коллектив пудрат методини ўзлаштирдилар. Хўжалик ҳисоби хўжалик механизмининг барча томонларига кириб борди.

Мазкур колхозда меҳнатга ҳақ тўлаш системаси учрашув қатнашчиларида қизиқиш уйғотди. Иш ҳақи бевосита ялпи даромад ҳажмига боғлиқдир. Бу кўрсаткич эса, маълумки, ҳосил ҳажми билангина эмас, шу билан бирга маҳсулотнинг сифати, уни етиштиришга сарфланган харажатлар билан боғлиқдир. Шу тариқа ҳар бир меҳнатчи маҳсулот таннархи арзонлаштирилишидан, ресурслар тежаб-тергаб сарфланишидан манфаатдордир. Чинакам хўжалик ҳисоби юритиш учун шарт-шароит вужудга келтирилмоқда. Колхозда пудрат ва хўжалик ҳисоби ёрдамида тартиб яхши йўлга қўйилгач, меҳнат унумдорлиги кескин кўтарилиб, техникага бўлган талаб камайди.

— Бизлар ҳамкасб ўртоқларимиз билан биргаликда кўпинча ишимизнинг яхши бўлиши ҳамиша меҳнат туфайлими? — деган саволни муҳокама қиламиз, — деди Краснодар ўлкасидаги «Заветы Ильича» колхозининг бригадири Н. И. Юхно. Районимизда энг қолоқ колхозда одамлар ҳатто бизнинг юқори даромадли колхозимиздагига қараганда яхши яшаётганлигини кўрсатувчи кўпгина мисолларни келтириш мумкин. Одамлар даромадига қараб эмас, қарз олиб яшайдиган бўлсалар ходимнинг меҳнатга муносабати салбий томонга ўзгаради. Интизом ва уюшқоқлик пасайиб, пировард натижа тўғрисида чинакам ғамхўрлик бўлмайди. Шунинг учун ҳам расмий хўжалик ҳисоби эмас, чинакам, қоғоздаги эмас, ҳар бир меҳнаткаш ўзини ернинг хўжайини деб ҳис этадиган хўжалик ҳисоби зарур.

Учрашув қатнашчилари қишлоқда пудрат ва хўжалик ҳисобини жорий этишда раҳбарлар ва мутахассислар катта роль ўйнаши кераклигини уқтириб ўтдилар. Айрим раҳбарлар ва мутахассислар меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги формаларини жорий этишга интилмайдилар, хўжалик юритишнинг иқтисодий методларидан фойдаланишни истамайдилар. Мутахассиснинг иш ҳақи пировард натижага бевосита боғлиқ қилиб қўйилиши лозим. Ўшанда у пудрат методига бошқача муносабатда бўлиб, уни жорий этиш билан чинакамига шуғулланади. Бу экономикани билишни, ташкилотчилик фазилатларини, одамлар билан муомала қила билишни талаб этадиган мураккаб ишдир. Бу ишга киришишга ҳамма ҳам тайёр деб бўлмайди. Айни вақтда пудрат ва хўжалик ҳисобини ўзлаштириш — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барча соҳаларини янада демократлаштириш йўлидаги катта қадам бўлиб, бу одамларнинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини ривожлантириш, уларда ўз хўжалигига нисбатан жонли қизиқишни мустаҳкамлаш учун ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Деҳқонлар ва чорвадорларнинг ўзларига хизмат кўрсатувчи ташкилотлардаги ходимлар билан ўзаро муносабатлари қишлоқ экономикасига жиддий таъсир ўтказади. Учрашувда, жумладан, қишлоқ хўжалик техникасини бевосита ундан фойдаланадиган кишилар ёки уларни ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг ремонт қилиши фойдалироқ эканлиги айтиб ўтилди. Шундай қилинганда қўшимча равишда кадрлар ва қувватлар талаб қилинмайди. Фақатгина хўжаликларга эҳтиёт қисмлар ва ҳозирги вақтда «Сельхозтехника» қарамоғида бўлган материалларни бериш кифоя.

Агросаноат комплексига кирувчи тармоқлар ўртасидаги муносабатлар ҳали сира ҳам такомиллаштирилган деб бўлмайди. Кўпинча идоравий манфаатлар устун келиб, далага, фермага хизмат қилиши зарур бўлган жуда катта ресурслар етарли самара бермаяпти.

Учрашувнинг кўпгина қатнашчилари ана шу проблема тўғрисида гапирдилар. Агросаноат комплексини бошқаришни қайта қуриш қишлоқда қандай ўзгаришларга сабаб бўлди? Район агросаноат бирлашмалари, область бирлашмалари қандай натижа бермоқда?

— Афсуски, агросаноат бирлашмалари кўпгина муҳим масалаларни ҳал этишда ожизлик қилмоқдалар, — деди Гродно областидаги «Прогресс» колхозининг раиси А. И. Дубко. — Район агросаноат бирлашмаси ҳозирча бизнинг ишончимизни оқламаяпти. Район агросаноат комплекси, кўзда тутилганидек, аслида планлаштириш ва бошқаришнинг мустақил объекти бўлиб қолгани йўқ. Бирлашма кенгаши ўзининг агросаноат комплексига кирувчи барча ташкилотлар ишини планлаштиришга, улар ўртасида моддий-техника ресурсларини тақсимлашга имкон берадиган вазифалар ва ваколатларга эга эмас. Ҳар бир идора илгаригидек, асосан ўз манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Кўпгина ташкилотлар ҳеч бир ҳожати бўлмаган ортиқча ташкилотлардир, деди сўнгра А. И. Дубко. — Бу ташкилотлар қишлоқ меҳнаткашларига ёрдам бериш у ёқда турсин, балки уларнинг интенсивлаш йўлидан боришига халақит бермоқда. Заминга идоралардан мустақил асосда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш масалаларини ҳал этадиган якка хўжайин лозим.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми, деб уқтиришди учрашув иштирокчилари, агросаноат комплексида ўзаро иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришда тўғри йўлни кўрсатиб берди. Бироқ мўлжалланган ишларнинг анча қисми амалга оширилмади. Буни айниқса район бўғинида кўриш мумкин. Бунда энг аввало хўжаликлар қийинчиликларга дуч келмоқдалар! Давлат ҳам катта зарар кўрмоқда. Колхоз ва совхозлар билан биргаликда маҳсулотни қайта ишлайдиган корхоналарни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш, уларни далаларга, фермаларга яқинлаштириш зарур.

Грузияда агросаноат интеграцияси соҳасида тўпланган тажриба катта қизиқиш уйғотади. Республикада собиқ учта идора — Қишлоқ хўжалиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари ҳамда «Грузсельхозтехника» негизида ягона қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш давлат комитети ташкил этилган.

— Бундай қайта қуриш ишга наф келтиради, деб ҳисоблайман, — деди Грузиянинг Махарадзе районидаги Ленин номли колхоз раиси Г. А. Цитлидзе. Янги комитет тузилгунга қадар район агросаноат бирлашмаси қанчалик ҳаракат қилмасин, идоравий тарқоқликни бартараф эта олмади. Эндиликда эса агросаноат бирлашмаси бошқаришни бутунлай ўз зиммасига олди. Бизлар ўзимизга мўлжалланган ресурсларни бир илож қилиб олишга, хизмат кўрсатувчи ташкилотларда кабинетма-кабинет юришга кўп вақт сарфлашдан қутилдик. Бунинг устига ўзимизга керакли ҳамма нарсалар — автомашиналар, тракторлар, омихта ем, ёнилғи тўғридан-тўғри колхозга олиб келинади. Хўжалик раҳбарлари асосий иш вақтини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалаларига қаратиш имконига эга бўлдилар. Ҳозирги пайтда машина-трактор паркини ремонт қиладиган ва ундан фойдаланадиган корхоналар, мелиорация ва сув хўжалиги бошқармалари, таъминот базалари баб-баравар ҳуқуқларда район агросаноат бирлашмаси составига кирадилар. Ҳамма нарса жой-жойига қўйилди. Пировард натижалар учун уларнинг олдида биз эмас, балки улар бизларнинг олдимизда баб-баравар жавобгар бўладилар. Агросаноат комплексини идораларга қарам бўлмаган ҳолда бошқариш мана шундай самаралар берар экан.

Учрашувнинг кўпгина қатнашчилари фан-техника тараққиётини халқ хўжалигини интенсивлаш йўлига ўтказишнинг энг муҳим омили деб билиб, уни жадаллаштириш проблемалари тўғрисида гапирдилар.

Москвадаги «Красный пролетарий» ишлаб чиқариш бирлашмасида эпчил технология ўзлаштирилганлигини кўрсатувчи мисоллар катта қизиқиш туғдирди. Бу ерда маънавий эскирган универсал станоклар ўрнига икки баравар кам, аммо илгаригидан анча мукаммал асбоб-ускуналар ўрнатилди. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш қарийб бир ярим баравар кўпайди. Учрашув қатнашчилари бирлашма бош директори О. А. Королевнинг мамлакатда кам самарали универсал станоклар ишлаб чиқаришни тўхтатиш, уларни замонавий ускуналар билан алмаштириш тўғрисидаги таклифини маъқулладилар.

Иваново станоксозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. П. Кабаидзе, Магнитогорск металлургия комбинатининг директори Л. В. Радюкевич асбоб-ускуналарни янгилаш, корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш проблемаларини ўртага қўйдилар. Улар буюртмачилар билан машинасозлик корхоналари ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш зарурлигини айтдилар. Бироқ уқтириб ўтилганидек, асбоб-ускуналардан бевосита фойдаланадиган кишиларнинг ташаббуси ҳам муҳимдир. Магнитогорск комбинатида бир қанча агрегатлар катта ҳажмда капитал маблағлар сарфланмаган ҳолда асосан ўз кучлари билан реконструкция қилинганлигини кўрсатувчи мисоллар бор.

Нутқларда фан-техника янгиликларини практикага тезроқ жорий этиш зарурлиги айтиб ўтилди. Ҳали фан-техника ютуқларидан ҳамиша ўз вақтида фойдаланиляпти деб бўлмайди. Бунинг учун кўп жиҳатдан министрликлар ва идоралар айбдордирлар. Кўпинча, асосий илмий тадқиқот институтининг ходимлари институтдан ташқарида юзага келган янгиликларнинг жорий этилишига ҳалақит бермоқдалар. «Днепропетровск комбайн заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. А. Покуса, жумладан ана шу ҳақда гапирди. У тармоқ институтлари ва конструкторлик бюроларини ишлаб чиқариш бирлашмалари составига дадилроқ киритиш таклифини ўртага қўйди. Ишлаб чиқариш бирлашмаларидаги илмий кучлар корхоналар олдида турган проблемаларни яхшироқ англайдилар.

— Бирлашмамиз составида ўзимизнинг илмий-тадқиқот институтимиз борлиги айни бизга жуда катта афзаллик беради, деди «Уралмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Е. А. Варначев. Бу эса асбоб-ускуналаримизни лойиҳалаш ва буюртмачилардаги шундай асбоб-ускуналарни монтаж қилишда вақтни тежаш имконини беради. Чунончи, машиналарнинг дастлабки намуналари тажриба цехида йиғилмоқда. Кемерово областидаги «Гидроуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Нагорная» шахтасининг директори В. М. Ерпилев кўмир саноатида сермеҳнат жараёнларни механизациялашга халақит бераётган тўсиқлар тўғрисида гапирди. Яхши машиналар етарлидек кўринсада улар алоҳида-алоҳида лойиҳалаштирилмоқда, шунинг учун ҳам улар технологик жиҳатдан ҳамиша ҳам ўзаро боғлиқ бўлмай, яхши мослашмайди, бу эса меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Ишга комплекс ёндашув аҳволни тузатишга кўмаклашади.

Янги техникани жорий этиш ҳужжатни узоқ вақт расмийлаштириш туфайли тўхтаб қолмоқда. Шундай мисол келтирилди. «Целиноградсельмаш» бирлашмасида кенг қамровли культиватор конструкциясини яратиш учун уч йил талаб қилинди, уни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун эса етти йил кетди. Бирлашмада маҳсулот ишлаб чиқаришга рухсат олиш учун юздан ортиқ тавсиянома «тўплашлари» ва масалани кўпгина идораларда маъқуллатиб олиш керак бўлганлиги учун шундай воқеа рўй берди. Ниҳоят машинани ишлаб чиқарганларида у аллақачон маънавий жиҳатдан эскирган эди. Бундай фактларга йўл қўйиб бўлмайди, албатта.

Иқтисодий самара фан-техника тараққиётининг объектив кўрсаткичи бўлиши зарур. «Харьков трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В .В. Библик тармоқ илмий тадқиқот институтларини хўжалик ҳисобига ўтказишни жадаллаштириш зарурлигини айтди. Шундай қилинганда ана шу илмий тадқиқот институтларининг янги асбоб-ускуналар, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишдан манфаатдорлиги ошади.

Учрашув қатнашчилари эскирган намуналарни чиқариш ҳар сафар фойдани, шунингдек коллективни рағбатлантириш фондларини, раҳбарларга ҳақ тўлаш даражасини ғоятда пасайтириб юборадиган, техника ва маҳсулотни янгилаш эса ишлаб чиқарувчиларга наф келтирадиган хўжалик юритиш механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш кераклигини айтдилар.

Учрашув қатнашчилари маҳсулот сифатини ғоятда юксалтириш зарурати билан боғлиқ масалалар комплексини муҳокама қилаётиб, шу жуда муҳим социал-иқтисодий ва сиёсий проблеманинг турли жиҳатларига тўхталиб ўтдилар.

Маҳсулот сифатига самарали моддий омиллар ёрдамида янада актив таъсир кўрсатишга зарурат ўсиб бораётганлиги таъкидланди. Учрашувда сўзга чиққанлар инженер ва техниклар, шунингдек ишчилар малакасини ўстиришга кўпроқ эътибор бериш кераклиги тўғрисида гапирдилар. Бу нарса — маҳсулот муқим юксак сифатли бўлишини таъминловчи таъсирли усуллардан биридир. Бу масалани ҳал этаётганда ғоят ижодий ишлаётган энг яхши инженерлар, конструкторлар, лойиҳачиларни моддий рағбатлантириш методларидан самаралироқ фойдаланиб, айни маҳалда маъмурий бошқариш аппарати ходимларининг сони қисқартирилишига муваффақ бўлмоқ лозим.

Кўпчилик мутахассислар меҳнат шароитларини яхшилаш заруратига эътиборни жалб қилдилар. Жумладан, қишлоқ хўжалик машиналари сифатини янада такомиллаштириш масалалари конструкторлар ва лойиҳачилар иш ўринларини кенгроқ кўламда автоматлаш, шахсий компьютерларни, маҳсулот сифатини юксалтириш мақсадларида инженерларнинг бутун ижодий имкониятларидан фойдаланишга ёрдам бера оладиган бошқа хил илғор техникани жорий этиш зарурати билан боғланган ҳолда кўриб чиқилди.

Юксак сифатга эришиш учун курашда иккинчи даражали проблемалар йўқ. «Целиноградсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори М. С. Бутенко турдош корхоналар ҳамдўстлигини мустаҳкамлаш, маҳсулот муттасил юксак техникавий даражада бўлишига, қишлоқ хўжалик машиналари кўпга чидайдиган, пухта бўлишига эришиш зарурати тўғрисида гапирди. Металлурглар қишлоқ хўжалик машинасини яратувчиларга ҳозирча ғоят пишиқ металл профилларини оз бераётганликлари сабабидан

(Давоми учинчи бетда).

